

Ўзбекистон Республикаси
халқ таълими вазирининг
2019 йил “16” апрелдаги
141-сон буйруғига
7-ИЛОВА

“Йилнинг энг яхши дастурчиси” республика кўрик-танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Баркамол авлод” болалар марказлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” 2011 йил 11 майдаги 130-сон қарорига мувофиқ, “Баркамол авлод” болалар марказларидаги дастурлаш тўғараги (бундан буён матнда тўғараклар деб юритилади) бўйича икки босқичли “Йилнинг энг яхши дастурчиси” кўрик-танловини (бундан буён матнда кўрик-танлов деб юритилади) ўтказиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу кўрик-танлов ҳар йили республика миқёсида “Баркамол авлод” болалар марказлари тўғарак аъзолари ўртасида ўтказилади.

2. Кўрик-танлов Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилади.

2-боб. Кўрик-танловнинг мақсади

3. Кўрик-танловнинг мақсади ўқувчиларнинг эҳтиёжлари ва қизиқишларига мувофиқ уларнинг дастурлаш имкониятлари ҳақида билим ва малакаларини ривожлантириш, ахборот коммуникация технологиялари бўйича дастурий таъминот воситалар ишини ўрганишни ташкил этиш ҳамда улар ўртасида ахборот технологиялари соҳасида янги истеъдодларни аниқлаш ва уларнинг ривожлантиришни юзага чиқариш.

3-боб. Кўрик-танловни ўтказиш тартиби

4. Кўрик-танлов уч босқичда ўтказилади:

а) биринчи босқич – барча туман (шаҳар) “Баркамол авлод” болалар марказларида йилнинг **август** ойида;

б) иккинчи босқич – ҳудудий босқич Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар “Баркамол авлод” болалар марказларида йилнинг **сентябрь** ойида;

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят “Баркамол авлод” болалар марказлари иштирокчилари тўғридан-тўғри кўрик-танловнинг 2-босқичида иштирок этади.

в) учинчи босқич – республика босқичи йилнинг **ноябрь** ойида республика ташкилий кўмитаси томонидан Тошкент шаҳрида белгиланган манзилда ўтказилади.

5. Кўрик-танловнинг биринчи босқичида 1-ўринни эгаллаган 2 нафар ўқувчи иккинчи босқичда иштирок этиш ҳуқуқини, иккинчи босқичида 1-ўринни эгаллаган 2 нафар ўқувчи эса учинчи босқичда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади.

6. Кўрик-танловнинг биринчи босқичини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ташкилий ишлар (*ўтказиш вақти, жойи, ташкилий гуруҳ, ҳакамлар ҳайъати таркиби*) туман (шаҳар) халқ таълими бўлимининг буйруқлари, иккинчи босқич ташкилий ишлари Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг буйруқлари билан тасдиқланади.

7. Кўрик-танловнинг биринчи босқичининг якуний натижалари ва иккинчи босқичда иштирок этиш учун юбориладиган (туман (шаҳар)да 1-ўринни эгаллаган) иштирокчининг ҳужжатлари (*тузилганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, туман (шаҳар) халқ таълими бўлими йўлланмаси ҳамда ҳакамлар ҳайъати йиғилиши қарори*) 1 сентябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар “Баркамол авлод” болалар марказлари қошида тузилган Ташкилий кўмиталарга тақдим этилади.

8. Кўрик-танловнинг иккинчи босқич ғолиблари ҳужжатлари (*тузилганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, иштирокчининг ўзи ҳамда ижодий ишининг электрон нусхадаги расми, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармасининг йўлланмаси ҳамда ҳакамлар ҳайъати йиғилиши қарори*) 15 октябрга қадар республика ташкилий кўмитасига тақдим этилади.

4-боб. Кўрик-танлов йўналишлари ва шартлари

9. Кўрик-танловда қуйидаги йўналишлар бўйича 2 нафар қатнашчи иштирок этади:

- а) “Adobe Photoshop” ва “CorelDRAW” йўналиши;
- б) “Анимацион ишланмалар” ва “Autodesk 3ds Max” йўналиши.

12. Кўрик-танловнинг шартлари:

а) “Adobe Photoshop” ва “CorelDRAW” йўналишида 15 ёшгача бўлган ўқувчилар иштирок этиши мумкин. Мазкур шарт “Adobe Photoshop” дастури ёрдамида “Менинг ижод маҳсулим” мавзусида бўлиб, ушбу шартда иштирокчи ўз ғояларидан келиб чиқиб, эркин тарзда фотосурат ҳамда “CorelDRAW” дастури ёрдамида “Менинг юртим” мавзусида бўлиб, ушбу шартда иштирокчи ўзи туғилиб ўсган ҳудуд учун логотип тайёрлайди. Ушбу фотосурат ва логотип тайёрлаш учун 3 соат вақт ажратилади.

Ишланмани ҳакамлар ҳайъати олдида 3 дақиқа ҳимоя қилади.

б) “Анимацион ишланмалар” ва “Autodesk 3ds Max” йўналишида 18 ёшгача бўлган ўқувчилар иштирок этиши мумкин. Мазкур шарт

“Анимацион ишланмалар” “Менинг ижодий ғоям” мавзусида бўлиб, ушбу шартда иштирокчи 1-2 дақиқалик анимацион ролик тайёрлаши ҳамда “Autodesk 3ds Max” “Инновацион уй” мавзусида бўлиб, иштирокчи ушбу дастур асосида инновацион уй лойиҳасини тайёрлаши лозим. Ушбу анимацион роликни тайёрлаш учун 4 соат вақт ажратилади.

Ишланмани Ҳакамлар ҳайъати олдида 3 дақиқа ҳимоя қилади.

13. Такдимотни тайёрлаш ва такдим этишда янги технологиялардан фойдаланилганлигига, шунингдек услуб, фон, анимацион эффектлар, материалнинг қай даражада етказиб берилиши ва техник қисмига алоҳида эътибор қаратилади.

14. Кўрик-танлов иштирокчилари ўқувчилар кийимида (ўғил болалар: оқ кўйлак, қора шим; қизлар: оқ кофта ва қора юбка) ҳамда ўзи ҳақидаги маълумотлар (*тумани, тўғарак номи, исм шарифи*) акс эттирилган бейжикда бўлиши лозим.

5-боб. Кўрик-танловнинг баҳолаш мезони

15. Кўрик-танлов 100 баллик тизимда баҳоланади.

а) иштирокчининг дастур ҳақидаги билимга эга эканлиги – 10 баллгача.

б) иштирокчи учун белгиланган вазифанинг сифатли ва ўз вақтида бажарилганлиги – 40 баллгача.

в) тайёрланган лойиҳаларда миллийлик ва замонавийлик уйғунлашганлиги – 20 баллгача.

г) худудий босқичда тайёрлаган маҳсулотини такдим этганлиги учун – 20 баллгача.

д) иштирокчининг дастурлаш ва анимацион ишланмалар тайёрлаш бўйича эришган ютуқлари – 10 баллгача (тайёрлаган ишланмалари такдим этилади).

6-боб. Ғолибларни тақдирлаш

16. Ташкилий қўмита томонидан ғолиб деб топилган иштирокчилар махсус диплом ҳамда қуйидаги тартибда ўрин ва номинациялар бўйича эсдалик совғалари билан тақдирланадилар:

а) барча йўналишлар бўйича 1 та I ўрин, 1 та II ўрин, 1 та III ўрин;

б) барча йўналишлар бўйича қуйидаги номинацилар:

“Энг замонавий лойиҳа муаллифи”;

“Энг креатив логотип муаллифи”;

“Энг қизиқарли анимацион ролик муаллифи”

“Миллийлик акс эттирилган лойиҳа”

Кўрик-танловнинг қолган барча иштирокчилари Халқ таълими вазирлигининг “Кўрик-танловнинг фаол иштирокчиси” дипломи билан тақдирланади.

7-боб. Яқуний қоидалар

17. Кўрик-танлов натижаси бўйича берилган шикоятларни кўриб чиқиш учун уч кишидан иборат Апелляция комиссияси ташкил этилади. Апелляция комиссияси таркиби ташкилий қўмита томонидан тасдиқланади.

18. Кўрик-танлов натижаларидан норози бўлган иштирокчилар кўрик-танлов якунидан сўнг 15 дақиқа ичида Апелляция комиссиясига мурожаат қилиши шарт.

19. Шикоятлар тақдим этилгандан сўнг Апелляция комиссияси томонидан 1 соат ичида кўриб чиқилиб, асосланган тарзда ўрганиш натижаси шикоятчига эълон қилинади.